XVII АСР МИНТАҚАДАГИ ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ ФИКРГА ТАЪСИР ЭТГАН ҒОЯВИЙ ОМИЛЛАР ХУСУСИДА

ОБ ИДЕОЛОГИЧЕСКИХ ФАКТОРАХ, ВЛИЯЮШИХ НА РЕЛИГИОЗНО - ФИЛОСОФСКУЮ МЫСЛЬ В РЕГИОНЕ XVII ВЕКА

THE IDEOLOGICAL FACTORS INFLUENCING RELIGIOUS-PHILOSOPHICAL IDEA IN THE 17TH CENTURY REGION

SADIKOV Yusupdzhan Aripovich
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
Senior Lecturer
yusupdjanxojiakbar @gmail.com
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2025/2/9

Аннотация. *Мақолада XVI аср охири XVII аср бошида минтақа (Марказий Осиё) худудида истиқомат қилувчи халқларнинг диний-фалсафий қарашларига таъсир қилган ғоявий омиллар акс этган. Бу борада, ўша давр нуқтаи назаридан ғоявий омилларнинг географик ҳудуди кенг бўлганлиги кўзга ташланади. Аниқ давлат чегараларининг беқарорлиги, турли тиллар ва миллатларнинг мавжудлиги ҳам ўз таъсирини ўтказади. Шунингдек, дин фалсафасининг ривожи, алломаларнинг қарашлари муҳим ўрин олган эди.*

Янгиланаётган Ўзбекистонда ислом тарихи ва маданиятини тадқиқ қилиш, янги маълумотлар билан бойитиш борасида тизимли катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва бошқа турдош илмий-тадқиқот марказларида олиб борилаётган илмий ишларда ислом тарихига оид манбаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шулар қатори, XVII асрда яшаб ижод қилган олим Муҳаммад Шариф Бухорийнинг "فوائد حاقانية" рисоласини илмий асосда ўрганиш ҳам ўзига хос долзарблик касб этади. Муҳаммад Шариф Бухорийнинг «فوائد حاقانية» асари, хусусан, шариат ҳуқуқи ва ижтимоий адолат масалаларига бағишланган бўлиб, у Марказий Осиёдаги ҳуқуқий маданиятнинг глобал ислом цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини намоён этади. Шу билан бир қаторда "Калом" фалсафасиниг жамият ривожига таъсирини ўрганиш ҳам муҳим омилдир. Илгариги тарихий-фалсафий тадқиқотларда калом фалсафаси чекланган, салбий диний тафаккур сифатида талқин қилиб келинган, чунки унинг асл мазмун-моҳияти бизнинг мамлакатимизда маълум сабабларга кўра батафсил ўрганилмаган, ҳақиқатда эса у ниҳоятда зиддиятларга бой ғоявий оқим ҳисобланиб келинади. Республикамизда охирги пайтларда олиб борилган фалсафий тадқиқотлар ва хусусан, ислом фалсафасининг пойдевори бўлмиш калом соҳасидаги изланишлар кўплаб ижобий натижаларга олиб келди.

Ғоявий омиллар турлича бўлиб, мусулмон оламида тасаввуф таълимоти ва унинг таъсир кучи алоҳида ўрин эгаллайди. Тасаввуф ниҳоятда мураккаб диний-фалсафий таълимотдир. Уни тадқиқ этиш билан олимлар дунёнинг кўплаб илмий марказларида машғулдир. Масалага чуқур киришилгани сари янги қирралар очилмоқда, янги муаммолар ўртага келиб тушмоқда.

Тасаввуф исломдаги ўзига хос диний-фалсафий оқим бўлгани сабабли маълум даражада таркидунёчиликни ҳам тарғиб этган, чунки, суфийларнинг фикрича, усиз бу илмни, таълимотни эгаллаб бўлмас экан.

Ғоявий жараёнлар оқимига тўхталадиган бўлсак, қуйидагиларни таъкидлашимиз мумкинки, XVI аср охири ва XVII аср бошидаги ғоявий курашлар ўз кескинлиги билан аввалги даврлардан қолишмаган. Бу кураш аҳолининг феодал таъсир доираларидан бошлаб то дарвешларгача бўлган турли табақалар манфаатларини ўз қамровига олган эди. Бу даврда диний мафкура ҳукмрон бўлгани сабабли, диний жаҳолатпарастлар ҳар қандай эркин фикрликни шафқатсиз бўғиб келган эди. Кўринадики, сиёсий ва мафкуравий ҳаётдаги бундай зиддиятли ва мураккаб вазият мутафаккирлар ижодига таъсир ўтказмаслиги мумкин бўлмаган.

Мутафаккирлар қарашларидаги мураккаблик, қарама-қаршилик ва ноизчиллик ижтимоий ҳаёт ва ғоявий фалсафий-адабий меросда ўз аксини топади.

Калит сўзлар: *шарҳ, файласуф, рисола, руҳ, фикр, борлиқ, қарашлар, абадийлик, салтанат, ғоя, ўрта аср, жамоатчилик, олим, мистик.*

Аннотация. *В статье отражено влияние идеологического фактора на религиозно-философские воззрения народов, населявших Среднюю Азию конца XVI – начала XVII вв. Это связано с тем, что по тем временам был обширен географический ареал идеологического фактора. Также оказывают влияние отсутствие определённых границ, параллели между языками и национальностями. Важное место имело развитие философии религии, взгляды учёных.*

В модернизирующемся Узбекистане проводится масштабная системная работа по изучению истории и культуры ислама, обогащению ее новыми сведениями. В этой связи особое внимание уделяется изучению источников по исламской истории в научной работе, проводимой в Международной кадемии исламоведения Узбекистана, Центре исламской цивилизации в Узбекистане и в других подобных научно-исследовательских центрах.

Кроме того, особую актуальность представляет научное изучение трактата «Фаваид Хакания» ученого XVII века Мухаммада Шарифа Бухари.

Труд Мухаммада Шарифа Бухари «Фуад ал-Хаканиан» посвящен, в частности, вопросам шариата и социальной справедливости, и он демонстрирует большой вклад правовой культуры Центральной Азии в мировую исламскую цивилизацию. В то же время, важно также изучить влияние философии «Калам» на развитие общества.

В предшествующих историко-философских исследованиях философия слова трактовалась как ограниченная, негативная религиозная мысль, поскольку ее изначальное содержание в силу определенных причин в нашей стране подробно не изучалось, и по сути дела

она считалась идеологическим течением, полным противоречий.

Недавние философские исследования в нашей республике и, в частности, исследования в области теологии, которая является основой исламской философии, привели ко многим хорошим результатам.

Идеологические факторы разнообразны, и учение суфизма и его влияние занимают особое место в мусульманском мире.

Суфизм — чрезвычайно сложная религиозная и философская доктрина. Ученые изучают ее во многих научных центрах мира. По мере углубления в предмет открываются новые грани и возникают новые проблемы. Если остановиться на течении идеологических процессов, то можно отметить следующее: идеологическая борьба конца XVI – начала XVII вв. была не менее острой, чем в предыдущие периоды. Эта борьба охватывала интересы различных слоев населения — от феодальных кругов влияния до дервишей.

Поскольку в этот период господствовала религиозная идеология, религиозные фанатики жестоко душили любую свободную мысль. Думается, что столь противоречивая и сложная ситуация в политической и идеологической жизни не могла не отразиться на творчестве мыслителей.

Сложность, противоречивость и своеобразие взглядов мыслителей находят отражение в общественной жизни и идейно-философско-литературном наследии.

Ключевые слова: *комментарий, философ, трактат, дух, мысль, бытие, взгляды, вечность, царство, идея, средний возраст, общественность, ученый, суфий.*

Annotation. *The article reflects the ideological factors that influenced the religious and philosophical views of the peoples residing in the region (Central Asia) during the late 16th and early 17th centuries.*

In this regard, it is evident that the geographical scope of these ideological factors was extensive from the perspective of that era. The instability of clearly defined state borders, along with the presence of various languages and nationalities, also exerted its influence. Additionally, the development of religious philosophy and the perspectives of scholars played a significant role.

In the rapidly evolving Uzbekistan, significant systematic efforts are being made to research and enrich the history and culture of Islam with new information. In this regard, the International Islamic Studies Academy of Uzbekistan, the Center for Islamic Civilization in Uzbekistan, and other similar research institutions are placing particular emphasis on studying sources related to Islamic history in their scientific endeavors. Among these, the scholarly work "فوائد حاقانية" by the 17th-century scholar Muhammad Sharif Bukhari merits scientific examination, presenting a unique relevance. The book "فوائد حاقانية" by Muhammad Sharif Bukhari is particularly dedicated to issues of Sharia law and social justice, showcasing the significant contribution of the legal culture in Central Asia to the global Islamic civilization. At the same time, it is essential to study the impact of the Kalam philosophy on societal development. Previous historical and philosophical research has often interpreted Kalam philosophy as a limited and negative form of religious thought. This interpretation arises from the fact that its true essence has not been thoroughly examined in our country for certain reasons. In reality, it is considered a highly contentious ideological current. Recent philosophical research conducted in the republics, particularly in the field of Islamic philosophy, which is based on the foundations of Kalam, has yielded numerous positive outcomes.

The factors are diverse, and within the Muslim world, the teachings of Sufism and its influence hold a significant position. Sufism is an extremely complex religious-philosophical doctrine. Scholars are engaged in its study at numerous scientific centers around the globe. As the investigation deepens, new dimensions are being revealed, and new issues are arising.

Sufism, being a unique religious-philosophical current within Islam, has promoted a certain degree of world-renunciation. This is because, according to Sufis, one cannot fully grasp this knowledge and teachings without it.

If we focus on the flow of ideological processes, it is important to emphasize that the ideological struggles at the end of the 16th century and the beginning of the 17th century were as intense as those of previous periods. This struggle encompassed the interests of various social classes, ranging from the population under feudal influence to the dervishes. During this period, the dominance of religious ideology led to the ruthless suppression of any form of free thought by religious obscurantists.

It is evident that such a contradictory and complex situation in political and ideological life cannot fail to influence the creativity of thinkers.

The complexity, contradictions, and nuances in the perspectives of thinkers are reflected in social life and the ideological philosophical-literary heritage.

Keywords: *commentary, philosopher, treatise, spirit, thought, views, eternity, kingdom, idea, middle age, public, scholar, mystic.*

КИРИШ

Минтақа халқларининг диний-фалсафий қарашларига таъсир этган омиллар турличадир. Тарихий нуқтаи-назаридан қараганда ўша даврларда минтақа халқлари турли чет давлатлари билан маданий, иқтисодий ва сиёсий алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қилиб келишган. Аксарият алоқаларнинг энг яқини Ҳиндистон билан бўлган. Улар шу билан бирга Хитой, Эрон ва Византия халқлари билан савдо ишларини жонлантирганлар. Бу эса ўз навбатида маданий яқинлашувга сабаб бўлди.

XVI-XVII асрларда бобурийлар салтанати ривожланиши асносида Ўрта Осиё билан маданий алоқалар янги поғонага кўтарилди. Бунда турли юртлардан келган илғор ғояли инсонлар ўзлари билан турли илм соҳасидаги ютуқларини бир-бирлари билан ўртоқлашдилар. Бу борада ҳинд олимларининг араб тили грамматикаси бўйича тақдим этган ибн ал-Ҳожибнинг (вафоти 646/1248й.) "Ал-Кофия" (Кифоя) асарига қози Шаҳобуддин Аҳмад ад-Давлатабодий томонидан ёзилган шарҳ

кенг жамоатчилик томонидан илиқ қабул қилинди. Бундан ташқари ибн Ҳожибнинг ушбу асарига шайх ал-Ҳаддод ал-Жаванпурий, Саъдуддин ал-Хайрабодий, Абдунаби бин Абдуссалом ал-Аҳмаднагорий ва бошқа олимлар шарҳлар ёздилар. Булардан ташқари бир қанча олим ва шоирлар ўз асарлари ва шеърларида диний-фалсафий фикрларни илгари сурдилар. Бу эса маданий алоқалар орқали минтақага ҳам кириб келди.

АСОСИЙ ҚИСМ

XVI аср охири – XVII асрнинг бошларидаги сиёсий вазият кўзга кўринган шоир, олим ва мутафаккирларни ўз юртларидан кетиб, ўзга юртларда ижод қилишни тақозо қилди. Ушбу вазиятда уларнинг диний, фалсафий маҳаллий мутафаккирларнинг қарашларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Мисол тариқасида, Амир Хусрав Деҳлавий ва Абул Файз Файзийдан сўнг Ҳиндистоннинг форсий адабиётида қалам тебратган Мирзо Абдулқодир Бедил ижодини келтириш мумкин (Мўминов И.М., 1957:32). У Файзийнинг диний-фалсафий асари “Ваҳдат ал-мавжуд”даги (Борлиқнинг ягоналиги) фикрларини давом эттириб, XVII аср диний фалсафаси ривожига катта ҳисса қўшди. Мирзо Бедил ўта қобилиятли шоир, форс адабиётининг намоёндаси, олим, машҳур файласуф эди. Унинг ижоди Ўрта Осиё халқларининг маданий ҳаётига, диний-фалсафий қарашларига катта таъсир ўтказди. Чунки у ўзида ҳинд, араб, форс ва Ўрта Осиё фани, адабиёти, санъати ва фалсафасини мужассамлаштирган эди. Мирзо Бедилнинг диний-фалсафий қарашлари ўша давр мутакаллимлари ва мистик суфийларининг диний фалсафасидан фарқ қилар эди. Бедил биз ўрганаётган аллома Муҳаммад Шариф сингари илмий билимларни биринчи ўринга қўяди ва уни ташвиқот қилади. Шу асосда у дунёни англашни, идрок қилиш фикрини беради. Бедил ўзининг прогрессив фикрлари орқали инсонларни меҳнат қилишга, илм олишга ва фаол ҳаёт тарзига чақиради. Бу билан у ўша даврда ҳукмрон бўлган тақдир таълимотига зарба беради. Унинг Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда прогрессив ғоянинг ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Бедилнинг Ўрта Осиё жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги хизматлари барча тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Абдулқодир Бедилнинг номи минтақа маданияти тараққиётида машҳур шоир, олим, файласуф, форс-тожик адабиётининг новатори сифатида шаклланган. У 1054/1644 йил Ҳиндистонда ҳарбий оиласида туғилган. 1133/1721 йил Деҳли шаҳрида вафот этган. Бедил ўзининг “Чор унсур” ва “Ирфон” рисолаларида “Борлиқнинг ягоналиги” ҳақида ўзининг диний-фалсафий қарашларини баён этиб, суфий ва калом қарашларига қарши чиққан. Унинг фикрича, олам доимо мавжуд, доимо ҳаракатда ва ўзгаришда. Фано эса суфийлар ва калом тушунчаси бўйича тана йўқ бўлиб кетмайди, балки бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтади, дейди. Борлиқ эса боқийдир, деб билади. Бедил Ибн Сино каби нариги дунё ва руҳни унга кўчиб ўтишига ишонмайди. У тана бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтади, деб ишонади. Бу билан Бедил реакцион мистик суфийлар таълимотига қарши чиқади. Абадийлик борасида ҳам ўз фикрларини билдириб, абадийлик ҳамма нарсага, ҳаммага тааллуқли эмасдир. Абадийлик ўзининг меҳнати билан, интилишлари билан ўзидан сўнг из қолдирган инсонларгагина тегишлидир, дейди. Инсон ўлади ва ноорганик моддага айланиб кетади. Инсонда ўлимидан сўнг бошқа ҳаёт йўқ. У илм-фанга, адабиётга ҳисса қўшган бўлса, бирон-бир иншоот қолдирган бўлса, халқ манфаати учун хизмат қилган бўлсагина номи абадий қолади, деб билади. Бедилнинг бу доҳиёна фикрлари ҳозирги пайтда ҳам ўз кучини йўқотмаган.

МУҲОКАМА

Ҳиндистон ва минтақа халқларининг бир-бирига ўтказган маданий таъсирини яна уларнинг мутафаккирлари орасидаги кенг адабий мулоқотларидан ҳам билса бўлади. Улар бу борада бир-бирларининг ижодий маҳсулотлари билан танишиб боришган ва асарларга ҳошиялар битишган.

Абу Абдулло Абдулҳаким бин Шамсуддин ал-Ҳиндий ал-Лоҳурий (ваф. 1682) бобурийлар салтанатида жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги кўзга кўринган арбоблардан бири эди. У саройда катта мансабларда фаолият юритган ва Шоҳ Жаҳоннинг (СВР РУз, 4-жилд, 1957: 339) маслаҳатчиси бўлган. Шамсуддин Лоҳурий Ўрта Осиё ва Эрон мутафаккирларидан Қазвиний, Тафтазоний, Даввоний каби алломаларнинг ишлари билан яқиндан таниш бўлган ва уларга шарҳлар битган. Айниқса, унинг машҳур ўрта асрлар олими Носириддин Тусийнинг шогирди Нажмиддин Қазвинийнинг араб тилидаги “Ҳошия шарҳи ҳикмат ал-айн” (Билимлар манбаига ҳошия) рисоласига ёзган шарҳи машҳурдир. Унинг бу рисоласига Даввоний, Қорабоғий, Муҳаммад Шариф Бухорийлар ҳам шарҳлар битишган. Бу рисола мантиқ илмига бағишланган эди.

Албатта, ўша давр диний-фалсафий фикрига жуда кўп мутафаккирларнинг илмий, диний, фалсафий рисолалари ўз таъсирини ўтказганлиги сир эмас. Юқорида келтирганимиздек, ҳинд мутафаккирларининг, шулар қатори Ўрта Осиёлик мутафаккирларнинг диний-фалсафий ғоялари

минтақада жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим роль ўйнади. Бунда асосан бобурийлар салтанатини ва унинг намоёндаларининг ўрни беқиёсдир. Биргина аллома Хамидулла бин Шукрулло ас-Сандилавийнинг "Билимлар арғумони" рисоласига шайх Муҳаммад Қоим ал-Илоҳободий, шайх Туроб Али ал-Лакхнавий, шайх Абул Ҳасан бин Неъматулло ал-Пухлаварвий, мавлавий Жаъфар Али ал-Қасмандавий, шайх Абдулҳаким бин Абдурраб ал-Лакхнавий, Абдулхақ бин Фазлулхақ ал-Хайрободий, мавлавий Абдулҳалим бин Амонулло ал-Лакхнавий, мавлавий Илоҳий Бахшул Файзабодий, мавлавий Абдулло ат-Тукий, мавлавий Аҳмад Ҳасан ал-Канбурий ва бошқа мутафаккирлар ўзларининг илмий шарҳларини қолдирганлар. Уларнинг асарларидан шу нарса маълум бўлдики, ўрта асрларда билимлар назарияси бўйича файласуф Аристотелнинг ғоялари кенг таҳлил қилинган. Шунинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, ўрта асрларда фақат мистик қарашларгина ривожланган, тасаввуфнинг мистик йўналиши амалда бўлган, жамият ва унинг онгида ривожланиш йўқ деган фикрларнинг тасдиғи йўқлигини кўрсатади.

Ўрта Осиёда XVII асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган ҳинд мутафаккири Муҳаммад Муборак бин Муҳаммад Дайим ал-Адҳамийнинг "Қозий Муборак" тахаллуси остида турли диний-фалсафий асарларга битган шарҳлари ҳам диний-фалсафий фикрнинг шаклланишига катта ҳисса қўшди. Ҳозирда унинг 5 та асари Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда (Қозий Муборак, 795: 100). Айниқса, унинг "Билимлар арғумони" асари асносида "Тузатиш шарҳига изоҳ" деб аталган рисоласи Ўрта Осиёда машҳур бўлган. Ўрта Осиёлик мутафаккирлар унга XX асргача турли шарҳлар, изоҳлар ёзиб келишган.

Ўрта асрлардаги диний-фалсафий фикрларни чуқур таҳлил қилиш, Ўрта Осиё ва ҳинд ўлкасида яратилган асарларни ўрганиш орқали ушбу мамлакатлардаги диний-фалсафий фикрларнинг ривожини, унинг аниқ вакилларини, курашган ғояларни ва ғоявий маданиятнинг янги саҳифаларини очиш мумкин бўлади. Айниқса, бу Ўрта Осиё шаҳарларида феодал табақалар томонидан меҳнаткаш халқни эксплуатация қилиш, уларнинг ҳар қандай норозиликларини аямай бостириш даврида катта аҳамият касб этди. Шунга қарамай мамлакатда Мирзажон Шерозий (XVI аср), Юсуф Қорабоғий (XVI аср охири), Муҳаммад Шариф Бухорий (XVII аср боши) каби истеъдодли олимлар етишиб чиқди.

Албатта, Ўрта Осиёдаги ғоявий, ижтимоий ҳаётни IX-XI ёки XIV-XV асрлардаги илм-фаннинг ривожига таққослаб бўлмайди. Аммо маълум маънода даврнинг ўзига хос кўринишида диний-фалсафий фикрлар, илм-фан ривожланганлигини кўришимиз мумкин. У ҳам бўлса, олдинги асрларнинг ютуқларидан самарали фойдаланилган ҳолда амалга ошган.

Тарихчи рус олими П.П. Иванов Ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида ёзиб, қуйидагиларни хаққоний таъкидлайди: "Қадимий маданий урф-одатларни яхши давом эттиришда, В.В.Бартольднинг фикр билдиришича, турли адабий асарлар тасдиқлайди. Бу нарсани бухоролик олимлар XVII асрда на фақат дин ва ҳуқуқ масалаларида, балки перипатикларнинг таълимотлари билан танишлиги ҳам тасдиқлайди" (Иванов П.П., 1958: 87-88).

Ўрта Осиёда XVI-XVII асрларда даврнинг диний-фалсавий ғояларини, мутафаккирларининг қарашларини таҳлил қилар эканмиз, даврнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига, даврнинг ғоявий илдизларига эътибор бериш керак. Чунки юқорида келтирганимиздек, ўша давр мутафаккирларининг дунёқарашлари ўзларидан олдинги алломалар дунёқарашларининг давоми сифатида тушунилади. Шу билан бирга ўз замоналарида ҳукм сурган ғоялар остида жамоатчилик фикрини шакллантиришганлиги кўзга ташланади.

XVI асрнинг охири XVII асрнинг бошларида жамиятнинг руҳий ҳолати олдингиларидан устун бўлса бўлдики, кам бўлмади. Албатта, бу борада ҳукмрон ислом ғояси – калом эди. Таъкидлаб ўтганимиздек, сиёсий ва ғоявий курашлар, турли оқимларнинг келиб чиқиши жамоатчилик фикрига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Бу ўз ўрнида ўрта аср мутафаккирларига ҳам таъсир ўтказди. Шу сабабли ижтимоий ҳаётда, сиёсатда ўша давр мутафаккирларининг қарашлари турли хил бўлди. Бунда алломаларнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари, ғоялари чуқур таҳлил қилинса, баъзи жиҳатларда уларнинг қарашлари исломдан четда эканлиги кўзга ташланиб қолади. Баъзи ҳолатларда эса ислом ақидалари билан уйғунлашиб кетади. Бу эса объектив ҳолат бўлиб, жамият асоси ислом дини билан боғлиқлиги, унинг таъсир доирасида яшаётган, ижод қилаётган мутафаккир-файласуфларнинг қарашлари, асарларининг асосини диний ғоя ташкил қилади, дейиш жоиздир. Чунки ўрта асрларда ҳам ислом мафкураси мустаҳкам ўринни эгаллаган эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, биз ўрганаётган давр сермаҳсул мутафаккирларининг дунёқарашида улардан олдин ўтган Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Юнон алломаларнинг бой мерослари муҳим роль ўйнаган. Айниқса, Афлотун, Фаробий, Ибн Сино, Берунийларнинг таъсир доираси кучли бўлган. Шу ерда ғояларнинг силсиласига эътибор қаратадиган бўлсак, Шарқ мутафаккирлари асосан файласуф Аристотелнинг илмий-фалсафий таълимотига суянишган. XVI-XVII аср мутафаккирлари ҳам

Аристотелнинг таълимотини ўзларидан олдинги алломаларнинг фикрларидан, ғояларидан олганлиги кўриниб туради. Бунда улар асосан, Абу Наср Фаробийнинг асарларига, диний-фалсафий қарашларига суянишган (Сагдиев А.В., 1975:120). Чунки Фаробий ўрта асрларда Шарқда кенг тарқалган Платоннинг илм ҳақидаги фалсафий фикрларига эътироз билдирган эди. Фаробий Платоннинг илм бир ҳиссиёт ҳам, тўғри фикрлаш ҳам, тўғри фикрни мазмун билан боғланиши ҳам эмас, деган фикрларини танқид қилган эди.

Олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, шарқ перипатетизми Ибн Синонинг диний-фалсафий қарашларида юқори чўққига чиқди (Маковельский А.О., 1967:252). Ибн Сино табиатни оқилона англашга, инсон онгининг объектив роли масаласига катта эътибор қаратган эди. Фаробийга келадиган бўлсак, унинг қарашлари пантеистик йўналишда бўлган. Пантеистик йўналиш эса ўзининг илдизлари билан шарқ халқлари - Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эроннинг мафкуравий қарашларига бориб тақалади.

Пантеизм – Аллоҳ, табиат, борлиқ, материянинг ягоналиги ҳақидаги қарашдир. Ислом ақидасига кўра, худо ва материя бир-бирига қарши қўйилиб, худо материядан устун қилиб қўйилган. Шунинг ўзи шарқ пантеизмида турли қарама-қарши ҳолатларни юзага келтирди. Ушбу даврда идеализм, диний-мистик ва теологик таълимот билан бирга мусулмон схоластикаси очиқ-ойдин тақдим этилган бир пайтда пантеизмда шарқ мутафаккирлари томонидан прогрессив материалистик ва атеистик ғоялар ҳам илгари сурилган.

Тарихий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, перепатетик мактабнинг қоидалари ва тизимини ишлаб чиққан олим Абу Наср Фаробийдир (Сагдиев А.И., 1975:120). Ўрта аср мутафаккирларининг асарлари, хоссатан Мирзажон Шерозий, Юсуф Қорабоғий, Муҳаммад Шариф Бухорий ва бошқаларнинг диний-фалсафий қарашлари Фаробийнинг фалсафий бойлигига бориб тақалади. Фаробий ўз қарашларида Платон фалсафасига қарши чиқади. Платон билимлар бир ҳиссиёт ҳам, тўғри фикр ҳам, тўғри фикрни маъно билан боғлиқлигини ҳам инкор этади. Улар бир-бири билан боғлиқ эмас деб тушунади (Асмус И.Ф., 1976:198-207). Албатта Афлотуннинг бу фикрлари шарқ мамлакатларида ўзининг ҳамфикрлари ва издошларини топган эди. Шунинг учун ҳам Фаробийнинг таълимоти эса муҳим роль ўйнади.

Фаробийнинг диний-фалсафий қарашлари пантеистик характерда эканлиги олимлар томонидан исботланган. Аммо шарқ пантеизми жуда мураккаб бўлиб, турли оқимлари бўлган ва у Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг илдиз отган эди.

НАТИЖА

Ўзбек олими-академик И.М.Мўминов пантеизмни икки оқимга бўлган эди: “Ваҳдат вужуд” (Борлиқнинг ягоналиги) ва “Ваҳдат мавжуд” (Мавжудликнинг бирлиги). Академик ёзади: “Биринчи гуруҳдаги пантеистлар худони ўргимчакка қиёслашади. Улар ўргимчак ўзидан тўр чиқарганга ўхшаб, худо ҳам бор нарсаларни яратади. Унда ҳамма нарса бор бўлганидек, у ҳам ҳамма нарсада қоимдир. Энг аниғи, худо тан олинган ва бошқа нарсалар гўёки, унинг акси, жилоланишидир.

“Ваҳдат мавжуд” пантеистлар гуруҳига абадийлик ва табиатнинг яратилмаганлиги, материя ва руҳнинг бирлиги, худони шу борликда мавжудлиги, билим ва меҳнатга чанқоқликни тан олиш характерлидир. Ўз ўрнида, Шарқ шоир ва мутафаккирларининг дунёга қарашларидаги бу дунёда ҳаёт яхшиликми ёки ёмонлик деган савол “Ваҳдат мавжуд” вакиллари томонидан ижобий ҳал қилинади. “Ваҳдат мавжуд” оқими, шарқ перипатетикаси сифатида мусулмон Шарқида табиий-илмий билимларга фалсафий исботини бериб, илғор фикрнинг ривожида прогрессив роль ўйнади” (Мўминов И.М., 1976: 315).

Ўша даврнинг ҳукмрон қатламлари ўзларининг асосий ғояларида Фаробийнинг фикрларидан, унинг обрўсидан фойдаланиб, ўзлари эгаллаб турган мавқеъларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлар. Унинг ғояларини мусулмон дунёқарашлари учун хизмат қилишга йўлладилар. Чунки, Фаробий Яратган дунёнинг биринчи маҳсули, табиат ўз ҳолича мустақил, унинг жараёни эса ҳаққонийдир, - дейди.

Ибн Сино ҳам Фаробийнинг фикрларини давом эттириб, худо дунёнинг маҳсули, дунё “унинг натижаси сифатида” боқийдир, дейди (Шарипов А.Д., 1978: 128). Бу борада XV аср мутафаккири Мир Саид Шариф Журжонийнинг мантиқ бўйича асари ўрта аср мутафаккирларининг ижодларига катта таъсир ўтказди (Қодиров М., 1977: 199). Журжонийнинг фикрича, инсон танасида борликда бор нарсалар бор. Худонинг хусусиятлари инсонда ҳам бор. Чунки инсон борлиқнинг маҳсули деб тушунади. У инсон танаси шаклланмагунча жон кирмайди ва у бир танадан иккинчи танага ўтмайди, дейди (Мир Саид Журжоний, 1981: 127-192). Бу билан у Фаробий ва Ибн Синоларнинг диний-фалсафий қарашларини ривожлантиради.

XVI-XVII асрда фан ва маданиятнинг ривожида Ўрта Осиё мутафаккирлари залворли ўринни эгалладилар. Бу ерда Мирзо Улуғбек, Навоийларнинг хизматлари ҳам улкан эди. Уларнинг фикрлари ҳукмрон мафкурадан фарқ қилар эди. Булардан ташқари энциклопедик олим Носириддин Тусий, Жалолиддин Даввоний (XV аср)ларнинг асарлари

ҳам жамоатчилик фикрининг шаклланишида муҳим ўрин эгаллаган эди. Даввоний ахлоқ ва илм олиш масалаларида аниқ йўналишларни кўрсатиб берди. У асосий фанлар сифатида тиббиёт, астраномия ва математикани илгари сурди. Даввоний ҳам Муҳаммад Шарифдек, хоқонларга тавсиф бериб, агар хоқон ноҳақ йўлни тутса, унинг фуқаролари ёлғонга, очкўзликка ва пасткашликка ўрганиб қоладилар, дейди. Лекин Даввоний пантеистик қарашларга суянади. Ҳамма нарсани худодан деб билади. Нариги дунё борлигига ишонади. Аммо у "инсон бу дунёда бахтли ҳаёт кечиришга интилиши, унинг бойликларидан фойдаланиши ва ўзининг кучини табиатни англашга сарфлаши керак", - дейди (Аликулов Х.А., 1983:87).

Даввоний Шарқда ўзининг бир қанча фалсафий асарлари билан машҳур бўлиб, буларнинг ичида "Ахлоқ Жалолий" (Жалол аҳлоқи) рисоласи кенг тарқалган эди.

Албатта, тасаввуф ўша даврнинг маънавий ҳаётида ва барча ўрта аср мутафаккирларининг асарларида ўчмас из қолдирган оқимдир. Аммо тасаввуф барча мутафаккирларга бирдек таъсир ўтказмади. Баъзилари тасаввуфнинг назарий талабларига риоя қилишса, баъзилари суфийлик тариқатининг талабларини бажаришни афзал билишди. Чунки ўша даврларда тасаввуфда тўртта қоида бор бўлиб, аксарият суфийлар шу қоидага суяниб иш қилишган. Бу шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдир. Тасаввуф кўринишидан ягона бир оқимга ўхшаса-да, унинг ичида турли йўналишлар бор эди. Бу йўналишлардан баъзилари, ҳатто, табиатни севишга, ҳаққоний ҳаёт кечиришга йўналтирилган эди. Баъзилари эса таркидунё йўналишини тарғиб қилишди. Бунда улар Муҳаммад (с.а.в.)нинг Маккадаги ҳаётини мисол қилиб кўрсатдилар.

Биз тадқиқот қилаётган даврда эса Ўрта Осиёда тасаввуфнинг ҳукмрон оқими Кубравия ва Нақшбандия тариқатлари эди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Кубравия тариқатига мўғулларнинг Хоразмни забт этишда ҳалоқ бўлган хоразмлик шайх Нажмиддин Кубро томонидан асос солинган эди. Бу тариқат вакиллари асосан минтақада кенг тарқалган тинч зикрни тарғиб қилганлар.

Ўша даврда Кубравия тариқатининг машҳур суфий шайхларидан бири Хожа Абдул Вафо ўз рисоласида: "Менда ҳатто, шундай нарса борки, мен уни доимо қидириб юраман (ҳақиқат)", - деб ёзган эди (Семенов А.А., 1928: 157). Бу Мансур Ҳалложнинг "Мен – ҳақиқатман" деган гапларига яқин фикр эди.

Нақшбандия тариқати Ҳиндистонгача тарқалиб, бутун XVI аср давомида суфийларнинг асосий ғояларидан бири бўлиб келган ва у исмоилийлар билан бирга Ҳиндистоннни Ўрта Осиё билан ғоявий боғлаб турган. Бу таълимотни Ҳиндистонда тарқалишига Қобулдан келган Хожа Муҳаммад Баки Билбаканинг ҳиссаси улкан эди.

Нақшбандия тариқатининг Эрон, Афғонистон, Туркия, Кавказ, Шарқий Туркистон ва бошқа мамлакатларга тарқалишига қарамасдан, тасаввуфнинг баъзи ғоявий йўналишларида қарама-қаршиликлар бор эди. Лекин шунга қарамасдан мутафаккирлар ўзларидан олдинги алломаларнинг фикрларини давом эттирдилар. Булар – Кубравия тариқати вакиллари шайх Хожа Хабушаний (вафоти 910/1504), шайх Ҳусайн ал-Хоразмий (вафоти 958/1551 й.), шайх Хожа Муҳаммад Махдуми Аъзам (вафти 937/1530), Аҳмад бин Мавлоно Жалолиддин Хўжаги Косоний (Махдуми Аъзам) (вафоти 956/1549) ва бошқалардир.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган маълумотлардан шуни англаш мумкинки, XVI –XVII асрлар давомида Ўрта Осиё диний-фалсафий фикрига таъсир қилган омилларнинг асосийси минтақа халқларининг ўз атрофидаги мамлакатлар билан маданий алоқаларини ривожлантириши, илмий алоқаларнинг мустаҳкамланиши, ғоявий яқинлик каби принциплардир. Халқ ижтимоий фикрининг шаклланишида жамиятнинг диний-маърифий қарашлари, ундан жамиятни ривожлантиришда унумли фойдаланилгани катта ўрин олган эди.

Шарқ Ренессансининг маданий меросини давом эттириш, диний факторнинг кучайтирилиши, янги маҳаллий маданий йўналишларнинг яратилиши XVI-XVII асрларда ҳам ривожланиш давом этганлигини кўрсатади.

Бу борада Ғарб тарихшунос олимлари ҳам бирмунча ишлар қилишган. Инглиз шарқшуноси Ж.С.Триментем ўзининг "The sufi orders in islam" номли асарида суфийлик, тариқат, уларнинг жамоалари ҳақида сўз юритади. Немис олими Юрген Пауль асосан Хожагон-Нақшбандия тариқати ҳақида фикр билдиради. Америкалик олим Виктория Гарднер XVI аср Мовароуннаҳрдаги диний ва тасаввуфий ҳаёт, унинг ижтимоий- сиёсий ҳаётдаги маънавий ўрни ҳақида ёзади. Шунингдек, америкалик олим Дэвин Девиз тадқиқотларида Нақшбандия тариқати ва Яссавия тариқатининг ўзаро алоқадорлиги масаласини кўтаради.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Абдалла Занжани. (1985). Ал-Файласуф ал-фариси ал-кабир Садриддин Шийрази. / на персидском яз. Душанбе. С. 6.

2. Аликулов Х.А. (1983). Социально-утопические идеи а Средней Азии. Ташкент : Фан. С. 87.
3. Аликулов Х.А. (1992). Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хоросана. Ташкент : Фан, 1992. 97 с.
4. Асмус В.Ф. (1976). Античная философия. М. : Высшая школа. С. 198 – 207.
5. Беляев Е.А. (1957). Мусульманское сектанство (Исторические очерки). М. : Издательство восточной литературы. 102 с.
6. Иванов П.П. (1958). Очерки по истории Средней Азии. М. : Из-во восточной литературы. С. 87 – 88.
7. Иванов М.С. (1952). Очерки истории Ирана. М., 1952. 468 с.
8. Каримов Э.Э. (1991). Некоторые аспекты политической и религиозно- философской практики тариката Накшбандия в Мавараннахре XV в. // Из истории суфизма: источники и социальная практика. Ташкент : Фан, 1991. 80 с.
9. Логико-гнесеологические идеи Мир Саййида Шарифа Джурджани. (2018). Логико-гнесологические идеи мыслителей Средней Азии. Ташкент : Фан, 2018. С. 13.
10. Мухаммад Шариф Бухари. (1196). Фавоид Хоконийя. Қўлёзма, ЎзР ФА, Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти. Инв. № 5444, 7747.
11. Муҳаммад Шариф Бухари. (1195). Зубдат ул-афкар. Қўлёзма, ЎзФА, Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти. Инв. № 8017. Б. 209, 277, 292.
12. Мўминов И.М. (1957). Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари.
13. Тошкент,1957. Б.32.
14. Мўминов И.М. (1976). Танланган асарлар. Тошкент : Ўзбекистон. Т. I. С. 315.
15. Нуриддинов М.Н. (2023). Из истории общественно-философской мысли Средней Азии эпохи позднего феодализма. Ташкент : Info capital books. 134 с.
16. Сагдиев А.В. (1975). Учение Ибн Рушда о соотношении философии, теологии и религии и его истока в трудах ал-Фараби. М. : Наука. С. 120.
17. Саййид Хусейн Насер.(1347). Тегеран : Мааариф исламий. – 133 с.
18. Саййид Джалолиддин Оштийази. (1351-1357 х). Мунтахаботи аз осори хукамои олихи ийрон. Т. I-IV. Тегеран. 45 с.
19. СВР. РУз.(1957). Т. 4. Ташкент. С. 339.
20. Семенов А.А. (1928). Забытый среднеазиатский философ XVII века и его “Трактат о сокрытом” // Известия общества для изучения Таджикистана и иранских народностей за его пределами. Ташкент. Т. I. С. 157.
21. “Қозий Муборак”. ЎзФА, Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти, инв. № 5549-II, 100 бет (араб тилида).
22. Шарипов А.Д. (1978). Беруний ва Ибн Синонинг фалсафий ёзишмалари. - Фалсафа масалалари, 1978, №10. Б. 128.
23. Қодиров М. (1977). Журжонийнинг фалсафий фикрлари. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тарихи бўйича мақолалар. Тошкент : Фан. 199 б.

REFERENCES

1. Abu Abdalla Zanjani (1985). Al-Faylasuf al- farisi al-kabir Sadriddin Shiyrazi. (na persidskom yaz.) - Dushanbe. 1985. – S.6.
2. Aliqulov X.A.(1983). Sosialno-utopicheskiye idei a Sredney Azii. - Tashkent: Fan, 1983, - C. 87.
3. Alikulov X.A.(1992). Eticheskiye vozzreniya mыsliteley Sredney Azii i Xorosana. – Tashkent: Fan, 1992, – 97 s.
4. Asmus V.F.(1976). Antichnaya filosofiya. - M.: Vыsshaya shkola, 1976, - C. 198-207.
5. Belyayev Ye.A.(1957). Musulmanskoye sektanstvo (Istoricheskiye ocherki). – M.: Izdatelstvo vostochnoy literaturы, 1957. – 102 s.
6. Ivanov P.P. (1958). Ocherki po istorii Sredney Azii. - M.: Iz-vo vostochnoy literaturы, 1958, -C. 87-88.
7. Ivanov M.S. (1952). Ocherki istorii Irana. M., 1952. – 468 s.
8. Karimov E.E.(1991). Nekotorыye aspektы politicheskoy i religiozno- filosofskoy praktiki tarikata Nakshbandiya v Mavarannaxre XV v. Iz istorii sufizma: istochniki i sosialnaya praktika. – Tashkent: Fan, 1991. – 80 s.
9. Logiko-gneseologicheskiye idei Mir Sayyida Sharifa Djurdjani.(2018). Logiko-gnesologicheskiye idei msliteley Sredney Azii. - Tashkent: Fan, 2018.- S.13.
10. Muhammad Sharif Buxari. (1196). Favoid Xokoniyya. Qo‘lyozma, O‘zR FA, Abu Rayhon Beruniy nomli Sharqshunoslik instituti. Inv. № 5444, 7747.
11. Muhammad Sharif Buxari.(1195). Zubdat ul-afkar. Qo‘lyozma, O‘zR FA, Abu Rayhon Beruniy nomli Sharqshunoslik instituti. inv. № 8017, – B. 209, 277, 292.
12. Mo‘minov I.M. (1957). Mirzo Bedilning falsafiy qarashlari.
13. - Toshkent, 1957. -B.32.
14. Mo‘minov I.M.(1976). Tanlangan asarlar. - Toshkent: O‘zbekiston, 1976, T. I, - C. 315.
15. Nuriddinov M.N. (2023). Iz istorii obщyestvenno-filosofskoy mыsli Sredney Azii epoxi pozdnego feodalizma. – Tashkent: Info capital books, 2023. – 134.
16. Sagdiyev A.V. (1975). Ucheniye Ibn Rushda o sootnoshenii filosofii, teologii i religii i yego istoka v trudax al-Farabi. - M.: Nauka, 1975, - C. 120.
17. Sayyid Xuseyn Naser.(1347). - Tegeran: Maarif islamiy, 1347. – 133 s.
18. Sayyid Djaloliddin Oshtiyazi.(1351-1357 x). Muntaxaboti az osori xukamoi olixi iyron. – T. I-IV. – Tegeran, 1351-1357gg.x., – 45s.
19. SVR. RUz.(1957). 4-tom. -Tashkent, 1957. - S.339.
20. Semenov A.A.(1928). Zabыtыy sredneaziatskiy filosof XVII veka i yego “Traktat o sokrытom”. Izvestiya obщyestva dlya izucheniya Tadjikistana i iranskix narodnostey za yego predelami. - Tashkent: 1928. T. I, - C. 157.
21. “Qoziy Muborak”. O‘zFA, Abu Rayxon Beruniy nomli Sharqshunoslik instituti, inv. № 5549-II, 100 bet (arab tilida).
22. Sharipov A.D. (1978). Beruniy va Ibn Sinoning falsafiy yozishmalari. - Falsafa masalalari, 1978, №10. - B. 128.
23. Qodirov M. (1977). Jurjoniyning falsafiy fikrlari. O‘zbekistonda ijtimoiy-falsafiy fikr tarixi bo‘yicha maqolalar. - Toshkent: Fan, 1977, - 199 b.